Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 7 апрель, № 69 (8412) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни табиатни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларга мувофиқ, Табиат ресурслари вазирлиги ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда бу соҳада долзарб вазифалар жуда кўп.

Табиий муҳитни асраб-авайлаган ҳолда, қўриқхона ва питомникларда экотуризмни, ов хўжаликларида овчилик туризмини ривожлантириш мумкин. Шу боис табиат масканларига сайёҳларни жалб қилиш, ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш учун питомниклар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Президент сув, ҳаво, ер ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, 500 дан зиёд корхонада сув тозалаш иншоотлари стандартга жавоб бермайди, баъзиларида умуман йўқ. Компенсация миқдори камлиги сабабли, бундай технология ўрнатишдан кўра, компенсация тўлаш фойдали бўлиб қолган. Шу боис меъёрдан ортиқча оқова учун компенсация тўловини ошириш таклифи билдирилди. Давлатимиз раҳбари экологик назорат инспекцияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди.

Жумладан, юртимизда йилига 7 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлаяпти. Шундан фақат 2 миллион тоннадан зиёди қайта ишланади. Қолган чиқиндилардан пайдо бўлаётган иссиқхона гази ва сизот сувлар табиатга зарар етказаяпти.

Оҳангарондаги эски полигонда чиқиндидан 15 Мегаватт электр энергияси олиш лойиҳаси бошланган. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани кенгайтириб, бошқа полигонларда ҳам чиқиндини қайта ишлаш ва муқобил энергия олишни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Ўрмон хўжалигида дарахт билан қопланган ҳудудлар атиги 8 фоиз экани, албатта, етарли эмас. Кўчатчиликни ривожлантириб, чўлларда 221 минг гектар, тоғ ҳудудида 15 минг гектар ўрмонлар барпо қилишга имконият борлиги қайд этилди.

Бунда, ўрмончилик соҳасини ривожлантириш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда тубдан янги тизимни жорий этишга кўрсатма берилди. Жумладан, боғ ва ўрмонларни барпо этиш марказий молиялаштириладиган манзилли дастур асосида амалга оширилиши қатъий белгиланди.

Гидрометеорология йўналишида автоматлашган метеорологик станцияларни кўпайтириш, гидрологик ўлчов ускуналарини автоматлаштириш, агрометеорологик хизмат бўйича мобиль иловани ишга тушириш чоралари белгиланди.

Бундан ташқари, ҳар бир туман ва шаҳарларда атмосфера ҳавоси ифлосланишини мониторинг қилиш учун автоматлашган кичик станциялар ўрнатилади. Шунга асосан, ҳудудларнинг ҳаво тозалиги рейтинги шакллантирилиб, мансабдор шахслар ишига баҳо бериб борилади.

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА СПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларга мувофиқ, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тузилган эди. Тақдимотда бу соҳаларда давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш ва уларни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Янги тизимга кўра, ёшлар ўртасида фестиваль, форум, танлов ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни ягона йиллик календарь режа асосида ўтказиш жорий қилинади ва бу бўйича маълумотлар yoshlarportali.uz ягона электрон платформасига жойлаштириб борилади. “Ёшлар дафтари” орқали тақдим этиладиган ижтимоий-иқтисодий хизмат турлари 2023-2024 йилларда 1,5 баробаргача оширилади.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги таркибидаги 3 та давлат унитар корхонаси фаолияти мақбуллаштирилиб, уларнинг функцияси хусусий секторга ўтказилади.

Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида соҳадаги 24 та йўналишни қамраб олган “ERP Sport” ягона электрон бошқарув тизими ишга туширилади.

Соҳани рақамлаштириш ва спорт туризмини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, келгуси йилдан бошлаб мусобақаларда қатнашадиган спортчиларнинг шахси ва малакасини идентификация карталари орқали аниқлаш тартиби жорий этилади. Спортга ҳомийлик кўрсатган жисмоний шахсларга чет эллардаги турнирларда иштирок этиш имконияти берилади. Бунинг учун улар ўртасида лотерея ўйинлари ўтказилади.

Соҳа вакилларини қўшимча рағбатлантириш мақсадида Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг стипендияси жорий этилмоқда. Шунингдек, спортчиларга ҳуқуқий, тиббий хизматлар кўрсатиш тадбирлари ҳам назарда тутилмоқда.

Юртимизда футбол энг оммавий спорт тури. Шу боис бу йўналишни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. ФИФАнинг махсус дастури асосида боғча ва маҳаллаларда “Оммавий футбол”, ўрта таълимда “Мактабларда футбол” ҳамда олий ўқув юртларида “Талабалар лигаси” дастурларини жорий қилиш таклифи билдирилди.

Иқтидорли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида 14 та футбол мактаби, “Дўстлик” стадиони негизида барча ёш тоифалари учун Терма жамоалар маркази ташкил этилади. Футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш маркази фаолияти такомиллаштирилиб, Хорватия, Япония ва бошқа давлатлардан мутахассислар жалб қилинади.

Соҳа инфратузилмасини ривожлантириш учун Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳудудий футбол ассоциацияларининг раҳбарлари этиб белгиланади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни қўллаб-қувватлаб, уларни самарали амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2023 йил 6 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ сенаторлар дастлаб “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунга қадар давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юритишда кўрсатилиб, маъмурий ва фуқаролик ишларида назарда тутилмаган ҳамда юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этишнинг шаффоф механизми жорий этилмаган.

Қолаверса, ушбу соҳани мувофиқлаштирувчи ягона органнинг белгиланмаганлиги кам таъминланган фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаслигига, коррупциявий омиллар пайдо бўлишига олиб келиши билан бир қаторда, бюджет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишига ҳам тўсқинлик қилаётган эди.

Муҳокама қилинаётган қонун билан юқорида қайд этилган муаммолар ўз ечимини топиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, қонун билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг асосий тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари белгиланмоқда.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доираси ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

2

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Сирдарё вилояти:

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЧОРРАҲАСИДАГИ МУАЗЗАМ МАНЗИЛ

Азалдан халқаро йўллар чорраҳаси бўлиб келган Сирдарё вилояти ҳудуди бугун кенг имкониятлар майдонига айланган. Бунга айни чоғда Эски Ховостепа, Ёғочли Сардоба ва бошқа узоқ мозийдан дарак берувчи, Буюк Ипак йўли бекатлари бўлган тарихий манзиллар бугунги кунда янада гуллаб-яшнаётгани гувоҳлик бериб турибди.

Бинобарин, пойтахтга яқин ва қулай транспорт коммуникациялари мавжудлиги кўп йиллар аграр соҳа устувор бўлиб келган вилоятни қисқа муддатда индустриал ҳудудга айлантирди. Эътироф этиш керакки, ушбу имкониятдан кенг кўламда фойдаланиш ва уни инвесторлар учун жозибадор жиҳатга айлантириш ҳаракати кейинги 5-6 йилда сезиларли даражада фаоллашди.

Танти, бағрикенг сирдарёликлар юртимизда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда кенг кўламли яратувчилик ишларини амалга оширишмоқда. Қуйида сиз фидойилиги ва ташаббускорлиги билан элда ном қозонган кишиларнинг янгиланишларга муносабатлари билан танишасиз.

4

Депутатлар — ҳудудларда

КОНСТИТУЦИЯ ҲАР БИР ИНСОН МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тарғибот тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Мазкур тадбирларда Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишлар ҳақида кенг жамоатчиликка батафсил маълумотлар берилмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Табиат ресурслари вазирлиги Наманган вилояти бошқармаси масъуллари иштирокида “Конституция — келажагимиз кафолати” мавзуида ўтган тадбирда ҳам айни шу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Хайрулло Гаффоров Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишлар ҳақида тўхталар экан, унда аҳоли барча қатламининг манфаатлари акс эттирилгани, таклиф ва тавсиялари инобатга олинганини қайд этди.

Таъкидланганидек, Конституция лойиҳасида бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири — экология масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, Асосий Қонунимизда давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чораларни амалга оширади, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини олиб бориш учун шарт-шароитлар яратади, деган норма мустаҳкамланмоқда.

3

«Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Конституция:

ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ»

Тошкентда ана шу мавзуда халқаро конференция ташкил этилди. Барқарор ривожланиш маркази томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда уюштирилган ушбу тадбир Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) маконини конституциявий ривожлантиришнинг умумий қонуниятларини, шунингдек, ШҲТ мамлакатларининг конституциявий ислоҳотларни амалга оширишда БМТнинг глобал Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳисобга олиш соҳасидаги тажрибасини аниқлашга бағишланди.

Конференция

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида ноёб тажриба ва муҳим сиёсий жараён — Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ўтказилиб, уни референдум орқали тасдиқлаш учун изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Мазкур жараёнларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ҳуқуқшунос олимлар, академик ҳамжамият, таҳлилий марказлар фаол иштирок этишяпти.

3

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАРБИЙ САНЪАТИ

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда турли миллатлар ўз йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришган. Айнан ана шу давр инсоният тарихига буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Амир Темур ва темурийлар даври халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чўққига кўтарилган, озодликка эришиш йўлида амалга оширилган буюк эврилишлар ифодасидир. Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчиликни тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаш орзуларининг рўёбга чиққан давридир. Амир Темур фалсафасида ҳам ана шу жиҳатлар кўзга яққол ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ҳамда истиқлол мафкурасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутади.

Шу боис “Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати” асарини кенг китобхонлар оммаси жуда илиқ кутиб олди. Мазкур илмий-оммабоп китобда жонажон Ватанимиз тарихининг ёркин саҳифалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучлар Академияси ходимлари — фалсафа фанлари доктори, профессор, полковник Р. Самаров, социология фанлари номзоди, захирадаги подполковник С. Аҳроров, Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, фалсафа фанлари доктори Ж. Холмўминов, Жамоат хавфсизлиги университети ходими, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), капитан С. Садриддинов ҳаммуаллифлигида тайёрланган ушбу китобда Соҳибқирон бобомизнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шуҳрат қозонишида бош омил ҳисобланган жиҳат — саркардалик даҳоси, ҳарбий истеъдоди ва маҳорати, жаҳон ҳарбий санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади.

Амир Темур тарихда қудратли давлат барпо этган буюк саркарда сифатидагина эмас, балки Мовароуннаҳр пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам маданий ва илмий марказларидан бирига айлантирган давлат арбоби сифатида из қолдирди.

4

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ РИВОЖИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Мамлакатимиз муҳим сиёсий воқеа — референдум арафасида турибди. Унда биз янгиланган Конституциямиз учун овоз берамиз.

Мушоҳада

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида янгиликлар жўда кўп бўлиб, уларнинг барчаси хусусида биргина мақолада батафсил тўхталиш имконсиз. Шу боис ундаги баъзи бир жиҳатларга кенгроқ тўхталмоқчимиз. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳокимият тизими ва миллий парламентни ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини такомиллаштиришга йўналтирилган нормалар мазмун-моҳиятига урғу бермоқчимиз.

Аввало, ҳозирга қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколати тақсимотида номутаносиблик борлигини таъкидлаш зарур. Жаҳон тажрибасида эса икки палата ваколатлари доирасида деярли бир хил. Бизда Сенатнинг мутлақ ваколати 14 та, Қонунчилик палатаси мутлақ ваколати 5 та бўлиб, бу ҳаётда муайян қийинчиликларни келтириб чиқараётганди, десак, айни ҳақиқат.

3

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2023 йил 7 апрель

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омилисиз электрон тизим орқали танлаш тартиби ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритишнинг очиқ ва шаффоф механизмлари жорий этилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур қонун инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириши, фуқароларга суд жараёнларида ишончли ҳимояланиш имкониятини яратиши ҳамда амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражаси янада ортади ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган кафолатлари кучайтирилади, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг шаффоф тартиби жорий этилади ҳамда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун бугунги кунда хотин-қизлар ҳамда вояга етмаганларга нисбатан содир этилаётган турли хил зўравонлик ҳолатларига нисбатан қатъий жазо чораларини белгилаш билан бир қаторда, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Қонун билан “оилавий (маиший) зўравонлик”, яъни хотинига ёки эрига, собиқ хотинига ёхуд собиқ эрига, бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган зўравонлик учун тегишинча маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Шунингдек, эндиликда жинсий зўравонлик, шу жумладан, вояга етмаганларга жинсий зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тариқасидаги инсонпарварлик актлари татбиқ этилмаслиги белгиланиб, бундай жиноятлар учун жазо чоралари янада оғирлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, хотин-қизларга нисбатан шаҳвоний мазмундаги ҳаракатлар содир қилганлик, таъқиб этганлик ҳамда ота-она ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш борасидаги мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонунчиликка киритилаётган асосий ўзгартишлардан яна бири шундаки, амалдаги қонунчиликка кўра номусга тегиш ҳамда жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш каби жиноятларни квалификациялашда жабрланувчининг ёши айбдорга аён бўлиши асосий мезонлардан бири бўлган бўлса, эндиликда ушбу қоида бекор қилинмоқда, яъни айбдорнинг жабрланувчининг ёшини билмаслиги уни Жиноят кодекси моддаларининг тегишли қисмларида назарда тутилган жавобгарликдан озод этмайди.

Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонликни содир қилган шахсларнинг болаларга таълим-тарбия бериш, шунингдек, болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланишини тақиқлаш ҳамда бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг рўйхатини юритиш кўзда тутилмоқда.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Жиноят кодекси “коррупцияга оид жиноятлар” деган янги атама билан тўлдирилиб, унга кўра Кодекснинг тегишли моддалари, қисми ва бандларида назарда тутилган қилмишлар коррупцияга оид жиноятлар, деб топилиши белгиланмоқда ҳамда ушбу жиноятлар учун жазони кучайтириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ушбу қонун билан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига киритилаётган ўзгартишлар орқали ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун ҳукм қилинган, бироқ жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга ҳамда пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш каби нормалар қўлланилмайди.

Қонунга мувофиқ давлат органи ва ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, нодавлат нотижорат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш билан боғлиқ жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш белгиланмоқда. Киритилаётган ўзгартишлар коррупцияга қарши муросасиз курашиш ҳамда ушбу иллат содир этилганда жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, сенаторлар томонидан киритилаётган ўзгартишлар коррупциявий жиноятларни аниқ белгилаш ва ушбу турдаги жиноятларга қарши тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш, коррупциявий жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан адолатли жазо белгилашига ҳамда жиноят оқибатида жабрланганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя этилишига хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар мазкур қонунни маъқуллади.

Шунингдек, ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунлар кўриб чиқилди.

Сенаторлар ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари чуқур тарихий илдизларга эга эканини, маданий-маънавий қадриятлар, анъаналар ҳамда тарихнинг кўп асрлик муштараклигига асосланганлигини алоҳида таъкидлади. Ҳозирги вақтда бу икки давлат ўртасида ишонч ва юксак ҳурматга асосланган ўзаро манфаатли ҳамда самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдеворга айланди.

Сенаторлар ратификация қилиш

Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.

қонуни билан Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 декабрь куни Қозоғистон Республикасига қилган давлат ташрифи чоғида имзоланганлиги қайд этилиб, Шартномани ратификация қилиш орқали унинг кучга кириши маҳкумларни топшириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириб, икки давлат ваколатли органларининг ушбу соҳадаги ўзаро ҳамкорлигини янада яхшилаши мумкинлиги таъкидланди.

Ушбу Шартнома билан Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқароларининг суд томонидан тайинланган жазони ўз мамлакатида ўташ имкони берилмоқда.

Ҳужжатга кўра, маҳкумлар қонунда белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ келишаётган томонлар мурожаатлари асосида топширилади.

Муҳокама давомида маҳкумлар жазони ўз юртида ўташи уларга яқин қариндошлари билан мунтазам кўришиш имконини яратиш билан бирга оилавий муносабатларга ижобий таъсир кўрсатиб, маҳкумларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишига ёрдам бериши қайд этилди.

Сенаторларнинг таъкидлашича, учун тақдим этилган битимларни юқори баҳолаб, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасида мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик икки давлат армияларининг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ва салоҳиятини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Шунингдек, ушбу битимлар Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган ва ҳарбий, ҳарбий-техникавий, ҳарбий таълим соҳасида, шунингдек, томонлар манфаатлари кесишадиган бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилганлиги қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, битимларнинг қабул қилиниши икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга янгича туртки беради ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ МАСАЛАЛАР

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи куни давомида кўриб чиқилган масалалар юртимизда олиб борилаётган янгиланиш ва ислоҳотларга ҳамоҳанглиги билан ажралиб турди. Муҳими, улар ислоҳотларга янгича суръат бериши кутилаётгани боис сенаторлар томонидан чуқур таҳлилдан ўтказилди.

Уларнинг айримлари хусусида сенаторлар қуйидагича фикр билдирди.

Муносабат

Шавкат АЮПОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Сир эмас, кейинги йилларда Президентимиз томонидан мамлакат ташқи сиёсатида олиб борилган ислоҳотлар, кўрилган изчил чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистоннинг халқаро обрўси юксалди ва таъсири ошди. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлиб қолаётгани йўқ. Бунинг замирида дунёга очиқлик ҳамда қўшниларимиз ва бошқа барча давлатлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ётибди.

Барча давлатлар, хусусан, МДҲ мамлакатлари билан ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар янги мазмун билан бойитилмоқда. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари ва етакчи халқаро ташкилотлари билан муносабатларимиз илгари ҳеч қачон кузатилмаган поғонага кўтарилаётир.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, Қозоғистон Республикаси Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида ўринга эга бўлган ўзига хос мамлакат ҳисобланади. Ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларида мутлақо янги ижобий тенденциялар рўй бериб, икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик даражасига олиб чиқиляпти.

Сенаторлар томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Нур-Султон, 2021 йил 6 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу қонун жиноят содир қилиш натижасида озодликдан маҳрум этилган чет эл фуқароларига белгиланган жазони ўз давлатида ўташи учун имконият яратиб, уларни қайта тарбиялаш ва ижтимоий реабилитация қилиш имконини бериши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:

— Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ҳамда бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажариш, дунё ташкилотлари билан ҳамкорликни изчил давом эттиришга қаратилган ишлар тобора кенг қулоч ёзмоқда, десак, муболаға бўлмайди.

Ялпи мажлис жараёнида сенаторлар томонидан маъқулланган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун ҳам шу мақсадга йўналтирилгани билан диққатга сазовор.

Хўш, ушбу қонунни ишлаб чиқишга нима мажбур қилди?

Биринчи сабаб сифатида амалда давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юритишда мавжуд бўлиб, маъмурий ва фуқаролик ишларида бундай юридик ёрдам назарда тутилмаганлиги кам таъминланган фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаслигига олиб келаётганлигини келтириш мумкин.

Қолаверса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этишнинг шаффоф механизми жорий қилинмагани айрим коррупциявий омиллар пайдо бўлишига сабаб бўлаётганди.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштирувчи ягона орган белгиланмаганлиги бюджет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишига тўсқинлик қилаётгани ҳам сир эмас.

Шу ва бошқа сабабларга кўра, ушбу қонун ишлаб чиқилди. Унда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қатор янгиликлар кўзда тутилган бўлиб, уларнинг барчаси хусусида тўхталмоқчи эмасмиз.

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши соҳада давлат сиёсати самарали амалга оширилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланиши, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, жумладан, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда халқаро индекслардаги мавқеи яхшиланишига замин яратади.

Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:

— Маълумки, юртимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида ҳар бир соҳада улкан ислоҳотлар олиб борилмоқда. Булардан кўзланган асосий мақсад — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, халқнинг турмуш тарзини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Халқни рози қилиш”дан иборатдир.

Хусусан, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар тобора изчиллик касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, соҳа қонунчилигини замонга ҳамнафас тарзда янгилаб туришни талаб қилиши кундек равшан ҳақиқат.

Ялпи мажлисда қизғин кўриб чиқилган “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун шу ҳаётий зарурат туфайли ишлаб чиқилган эди.

Бу қонуннинг қабул қилиниши бизга, жамиятимизга нима беради?

Аввало, у хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясига, шу жумладан, уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган тазйиқ ва зўравонликларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Айни чоғда бу ҳужжат хотин-қизлар ва вояга етмаганларга нисбатан содир этилган тазйиқ ва зўравонлик ҳаракатлари учун айбдор шахсларга адолатли жазо чораларини белгилашда қўл келади.

Энг муҳими, у хотин-қизлар ҳамда вояга етмаганларнинг жамиятда ижтимоий мослашувчанлигини оширишга кўмаклашади.

«Халқ сўзи».

ДУНЁ ЭШИКЛАРИ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАЛИТИ

Инсон ҳаётда нимагадир эришиши учун доимий изланиши, интилувчанлик, меҳнатсеварлик, шунингдек, билимга эга бўлиши талаб этилади. Албатта, билим олишнинг чегаралари унинг ўз мақсадларию имкониятлари билан ҳам боғлиқ. Олий маълумотга эга бўлиш эса келажакда фаровон ҳаёт кечириш, ўз билим ва қобилиятларини юзага чиқариш, яхши мутахассисга айланиб, оиласи ва жамиятга фойда келтириш, ҳурмат ва эътирофга, халқаро даражадаги тажрибаларга эга бўлиш каби мазмунли ҳаётга пойдевор вазифасини ўтайди.

Нуқтаи назар

Ижтимоий, ҳуқуқий давлат ана шу мақсадларга эришиш учун имкониятларни яратади ва ёшларни рағбатлантириш чораларини кўради.

Аслида, олий таълимга эга инсонларнинг кўп бўлиши жамият учун фойдали, бу саводхонлик даражасининг ўсиши, иқтисодиёт турли тармоқларининг ривожланишига асос яратиши билан мамлакат тараққиётида муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакат ҳаётининг асосий ҳужжатни бўлган Конституцияда бу йўналишдаги имкониятларнинг ҳуқуқий асосларини янгилаш ва мустаҳкамлаш ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Шу сабабли, олий таълимни олиш ҳуқуқи Конституция даражасигача оширилмоқда.

Охирги йилларда аҳоли ўртасида олий таълимга бўлган қизиқиш, эҳтиёжнинг ортиб бораётгани ва бунинг учун имкониятларнинг ҳам кенгайганини кузатиш мумкин. Бу аввало, олий таълим муассасаларига кириш истагида бўлган ёшларимиз сафи сезиларли даражада кенгайгани ва бу имкониятни берувчи таълим даргоҳларининг ҳам кўпайганлиги бунинг исботидир. Кўплаб хусусий университетларнинг очилгани, таълимнинг сиртқи, кечки ва масофавий каби шаклларига ўтилгани ҳам ушбу имкониятларнинг кенгайганини кўрсатади.

Аҳолининг кенг қатламларини олий таълим билан қамраб олиш масаласи Президентимиз томонидан БМТ минбарида ҳам кўтарилган ва 2030 йилгача Ўзбекистонда ёшларнинг 50 фоизи олий маълумотга эга бўлиши режалаштирилган.

Бу мақсаднинг амалга оша бошлаганини қуйидаги далилларда кўриш мумкин. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони 2,5 баробарга ортиб, 200 тага етди, олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди.

Шу ўринда ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишидаги яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз. Бу ҳам бўлса уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масала. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди. Олий таълим олиш учун имтиёзли кредитлаш тизими жорий этилиб, бу жараёнда хотин-қизларга фоизсиз кредит ажратиш амалиёти татбиқ қилинмоқда. Магистратура учун давлат грантлари 5 баравар кўпайди. Эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони 2 баравар оширилди. Нодавлат олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти ажратиш амалиёти йўлга қўйилди. Магистратурада ўқийдиган барча қизларнинг ўқиши давлат томонидан қопланадиган бўлди.

Бу саъй-ҳаракатлар ва тажрибалар ўзининг самарасини бериши, аҳолининг олий таълим олишга бўлган интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ мазкур жараён эса ёшларимизнинг келажаги учун катта аҳамият касб этиши аниқ.

Янгиланаётган Конституцияда ёшларнинг олий таълим даргоҳларига танлов асосида давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи қатъий белгиланмоқда. Хусусан, Бош қомуснинг 51-моддаси 1-қисмида **“Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли”** деган жумланинг бўлиши ушбу ҳуқуқнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ёшларимиздан эса қабул танловларида юқори кўрсаткичларга эга бўлиш, давлат гранти асосида ўқиш имкониятини қўлга киритиш учун мунтазам китоб ўқиш, ўқув дастурларини мукаммал эгаллаш ва имтиҳонларда муносиб иштирок этиш талаб қилинади.

Олий таълим муассасаларини замонавий талабларга мувофиқ ривожлантириш, таълим сифатини ошириш ва кўрсаткичларни илғор тажрибаларни жорий этган ҳолда кўтаришга қаратилган яна бир муҳим жиҳатнинг ҳуқуқий асоси янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланаётганлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Бу 51-модданинг иккинчи қисмидаги **“Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга”** деган банд билан боғлиқ.

Маълумот ўрнида айтсак, бугунги кунга қадар Ўзбекистондаги 170 дан ортиқ давлат университетларидан атиги 41 тасига академик ва молиявий мустақиллик берилган.

Академик эркинлик — олий ўқув юртларида таълим бериш ва илмий тадқиқот ўтказиш эркинлигидир. Ушбу эркинлик илғор тажрибаларни олиб кирган ҳолда ўқув жараёнини мустақил шакллантириш, профессор-ўқитувчиларни дарс ўтиш эркинлигида, илмий тадқиқот мавзуларини мустақил танлаш ва тадқиқ этиш, унинг натижаларини нашр қилиш ва тарқатиш, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар академик эркинлигининг чекланмаслигида ва бошқаларда намоён бўлади.

Эътиборлиси, бу борада халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ўқув режаларини такомиллаштириш ва таълим сифатини оширишга қаратилган фаолият бошланган, хорижий университетлар билан ўзаро келишув асосида қўшма таълим дастурлари ташкил этилиб, ўқув жараёнлари олиб борилмоқда.

Айнан бу йўналишда ҳам бошланган фаолиятнинг асоси Конституция даражасида белгилаб қўйилиши олий таълим муассасаларининг ўзини ўзи бошқариши ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш заминини мустаҳкамлайди ҳамда таълим йўналишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим тартибини белгилаш бўйича қарорлар қабул қилишда мустақил бўлиш ҳуқуқларини конституциявий норма даражасида белгилаб беради.

Умуман олганда, Бош қомусимиз мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритилаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг ҳуқуқий пойдевори — келажагимизнинг ишончли кафолатидир. Зотан, такомиллашган Конституция, яъни бу янгиликларнинг барчаси ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқи, иқтидорини намоён этиш йўлидаги интилишини орттиришда, улар учун муносиб олий таълим шароитларини яратиш ва ривожлантиришда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

Унутманг, олий таълим шахс камолотида билимларни ўзлаштирадиган, кўникма тўплаб, малака оширадиган давр ҳисобланади. Ва табиийки, чуқур билимларга эга, кенг дунёқарашли, доно инсонлар доимо халқимиз меҳрини қозониб, улуғланиб келинган, фаолиятига юксак баҳо берилган.

Мадомики шундай экан, орзуларининг ойдин йўлидан бораётган йигит-қизларимиз ўз олдига қўйган улкан мақсадларига эришишда Конституциямиз уларнинг ҳимоячиси эканлигини ҳис этишлари ва албатта, қадрлашлари шарт.

Гулчеҳра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ РИВОЖИДА МУҲИМ ҚАДАМ

1 Янгиланаётган Конституциямизда ана шу хато тузатилмоқда. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 12 та қилиб белгиланмоқда.

Унга кўра:

- Давлат бюджети ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
- Бош вазир номзодини кўриб чиқиш;
- Бош вазирнинг, шунингдек, ҳукумат аъзолари ҳисоботини эшитиш;
- Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш;
- Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий ҳаётига доир ҳар йилги маърузасини эшитиш;
- Давлат органлари мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш ва парламент назоратининг бошқа шаклларини амалга ошириш.

Бу каби ваколатлар Қонунчилик палатасига берилиши парламентимизни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Негаки, Қонунчилик палатаси депутатлари тўғридан-тўғри халқ билан мулоқот қилиш орқали парламент ривожига туртки беради.

Янгиланаётган Конституцияда Сенат таркиби ихчамлаштирилди. Энди ҳудудлардан 6 та ўрнига 4 тадан сенатор сайланади, Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар 16 тадан 9 тага камайтирилди. Президентнинг айрим ваколатлари Сенатга ўтказилаётгани ҳам муҳим янгиликлардан, десак, айни ҳақиқат. Бош прокурор, Ҳисоб палатасининг раиси, Давлат хавфсизлик хизмати раиси лавозимига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилади ва сўнг Президент томонидан тайинланади. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда коррупцияга қарши курашувчи органлар раҳбарлари, Судьялар олий кенгашининг барча аъзолари Сенат томонидан сайланади. Буларнинг барчаси парламентаризм, вакиллик ҳокимиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар бўлиб, айни чоғда, у демократиянинг ўзига хос ифодаси ҳамдир. Қолаверса, у 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегияси мақсадларини рўёбга чиқаришда қўл келади.

Парламентаризм ривожига хизмат қиладиган муҳим янгиликлар ўлароқ, қуйидагиларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Энг аввало, Конституциявий суд, Олий суд ва Бош прокуратура фақат ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан қонунчилик ташаббусига эга бўлганлигини айтиш зарур. Айни чоғда, Конституцияга киритилаётган сайлов ҳуқуқи билан боғлиқ янгиликлар ҳам диққатга сазовор. Унга кўра, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар, Олий Мажлис Сенати, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Марказий сайлов комиссияси қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонунлар Сенатда маъқулланиб, Президентга имзолаш учун киритилиш жараёни жаҳон тажрибаси асосида қайта кўриб чиқилди. Энди Сенат қонунни олтмиш кун ичида кўриб чиқмаса, у имзолаш ва эълон қилиш учун Президентга юборилади. Бунда Сенатнинг Қонунчилик палатасида қабул қилинмаган қонунни маълум қуллаши, албатта, шарт деган қоида йўқ бўлди.

Биласиз, амалдаги Конституциямизда юқори ижро ҳокимияти органи —Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига битта модда бағишланган. Бу турли баҳсли ҳолатларни келтириб чиқаришидан ташқари, айрим муаммоларга ҳам сабаб бўлаётган эди. Табиийки, мавжуд моддада Вазирлар Маҳкамаси фаолияти тўлиқ қамраб олинмаган. Аслида, битта моддада Ҳукуматнинг барча фаолиятини тўла қамраб олиш имконсиз.

Янгиланаётган Конституциямизда Вазирлар Маҳкамасига тааллуқли XX боб 6 та моддадан таркиб топган. Бу моддаларда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари кенг ва аниқ белгиланган. Бош вазирнинг ваколатлари алоҳида моддада кўрсатиб ўтилаётир. Бошқа бир моддада эса Вазирлар Маҳкамасини ташкил қилиш, истеъфога чиқариш, унга ишончсизлик билдириш масалалари тўлиқ қамраб олинган. Умуман, янгиланаётган Конституциямиз нормаларида Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазир жавобгарлиги ҳамда масъулияти тўлиқ кўрсатиб бериляпти. Вазирлар Маҳкамасининг ҳокимият тизимидаги ўрни конституциявий даражада белгиланиши жаҳон тажрибасига ҳам мос келади.

Янгиланаётган Конституциямиздаги эътиборли жиҳатлардан яна бири — ҳокимият тизимида ва давлат бошқарувида маҳаллий давлат ҳокимияти ўрни тўғри белгиланаётгани. Аввало, айтиш керакки, XXI боб “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” деб номланган. Амалдаги Конституцияда эса “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари” деб номланган бўлиб, таркибида маҳаллий давлат ҳокимиятидан холи, мустақил бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам турибди. Бу эса доимий мунозараларга сабаб бўлиб келаётганди. Эндиликда бу баҳсга чек қўйилади. Муҳими эса ҳокимларнинг вакиллик ҳокимиятига бошчилиги бекор қилинмоқда. Энди вакиллик органларига шу орган депутатлари орасидан сайланадиган раис бошчилик вазифасини бажаради, ҳокимликни эгаллаган шахс бир вақтнинг ўзида Кенгаш раиси лавозимини эгаллай олмайди. Ҳоким фақат ижроия ҳокимиятга бошчилик қилади. Конституцияда бундай тартибнинг ўрнатилиши икки турдаги ҳокимият мустақиллигини таъминлаб, ҳокимнинг вакиллик ҳокимиятига хисобдорлигини кучайтиради, десак, айни ҳақиқатдир. Конституциянинг ўзида халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар ваколатлари асосларининг белгиланиши ҳам улардан бирининг ўрнини иккинчиси босолмаслигини кўрсатишидан ташқари, уларнинг мутлақ мустақиллигини ҳам англатади.

Янги Конституцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти мукаммал тартибга солиниши белгиланмоқда. Унинг 127-моддаси билан қуйидагилар белгилаб қўйиляпти:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди;
- давлат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратади ва фаолиятига кўмаклашади.

Айтиш жоизки, ушбу нормалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нафақат ҳокимият тизимида, айни чоғда, фуқаролик жамияти институтлари тизимида мавқеи юксалиши, муҳими, улар олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли ижро этилишига туртки беради.

Янгиланаётган Бош қомусимизда давлат хизмати билан боғлиқ норма ҳам бўлиб, у билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат хизматига киришда тенг хуқуққа эга эканлиги белгиланаётир. Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонунда белгиланиши киритилгани, албатта, давлат хизмати аҳамиятини оширади. Зеро, билимли, қобилиятли, давлат хизмати учун зарур бўладиган компетенцияларга эга кадрлар билан кутилган ютуқ ва натижаларга эришиш мумкин. Шундай бошқарув тизими эса, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, олдимизга қўйилган вазифалар бажарилишининг асосий шартидир.

Бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан пухта-пишиқ Конституция тайёр. Энди уни халқимиз билан биргаликда маъқуллашдек ўта масъулиятли вазифа олдимизда турибди.

Шу ўринда, муҳим ижтимоий масалалар Конституцияда (қонунларда) тўла белгиланишининг ўзи етарли эмаслигини айтмоқчимиз. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш бу ишнинг бир қисми, холос.

Асосий масала — қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир”.

Демак, англашиладики, янгиланаётган Конституцияда белгиланаётган нормалар амалга оширилишини таъминлаш, керак бўлса, назорат қилиш ҳар биримиздан талаб этилади. Ундан олдин эса янги, ҳаётий нормалар билан тўлдирилган янги таҳрирдаги Бош қомусимизни референдум асносида фаол қўллаб-қувватлашимиз керак бўлади.

Озод ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори, юридик фанлар доктори.

7 апрель — Бутунжаҳон саломатлик куни

АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси 7 апрель — Бутунжаҳон саломатлик кунига бағишлаб “Экология ва спорт-нинг инсон саломатлигидаги ўрни” мавзуида тадбир ўтказди.

Таъкидланганидек, бундан 75 йил аввал — 1948 йил 7 апрель куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига асос солинган. Бу инсон саломатлиги билан боғлиқ барча масалаларни халқаро даражада ҳал қилиш йўлида қўйилган муҳим қадамдир. Ҳозир ЖССТга 194 та давлат аъзо бўлиб, Ўзбекистон ҳам 1992 йил 25 майдан мазкур мамлакатлар сафида.

Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, унинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш орқали инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллик даражасини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада тегишли вазифалар белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармонлари жамиятда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбирда қайд этилганидек, дунё бўйлаб COVID-19 коронавирус инфекциясининг тарқалиши барча мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатди. Юрак-қон томир ва нафас олиш йўллари касалликлари ҳамда ортиқча вазнга эга фуқароларда COVID-19 касаллиги оғир кечиш ҳолатлари кузатилди. Айрим ҳолларда эса бевақт дунёдан кўз юмиш ҳолатлари содир бўлди.

Бундан жиддий хулоса қилган ҳолда зарарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя этиш, хусусан, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини меъёридан ортиқ истеъмол қилмасликни, умуман, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётга айлантириш зарур эканлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, табиат ресурслари билан боғлиқ ҳолатлар, жумладан, тоза ичимлик суви етишмовчилиги, атмосфера ҳавоси ифлосланиши, чиқиндиларнинг ортиши каби муаммолар ҳам инсон саломатлигига катта таъсир этадиган муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Сўз олганлар сўнгги йилларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси ортиб бораётганини айтиб, бунга транспорт воситаларининг салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётгани, саноат корхоналарининг кўпайиши, ундан атмосферага турли хил газларнинг чиқариб юборилиши сабаб бўлаётганини қайд этдилар.

Шундан келиб чиқиб, экология ва спортнинг инсон саломатлигидаги ўрни беқиёс эканлиги, ёшларни спортга кенг жалб этиш, атроф-муҳит мусаффолигини, яшилликни асраш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга зарур таклиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

«Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Конституция:

ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ»

1 Ушбу муассасалар Конституциявий комиссия фаолиятини яқиндан қўллаб-қувватлаб, ҳамкорликда ишлаб келишмоқда.

Шу билан бирга, ўзаро ҳамкорликда БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, ЕИ, ИҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар доирасида қабул қилинган 400 дан ортиқ глобал ва минтақавий конвенциялар, декларациялар, қарорлар ҳамда конституциявий ривожланишнинг халқаро тажрибаси ўрганилди. Айни чоғда, дунёнинг 193 дан ортиқ мамлакатлари конституциялари ҳамда конституциявий ислоҳотлари тизимли таҳлил қилинди.

Халқаро ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида ўндан ортиқ фундаментал ишлар амалга оширилди. Улар доирасида бир қатор тегишли китоблар нашр этилди. Конституциявий қонун лойиҳаси, умуман, конституциявий ислоҳотлар бўйича хулосалар, таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конституциявий ислоҳотлар ва Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, янгиликларига бағишланган 60 дан ортиқ халқаро форумлар, шу жумладан, хориж (АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Швейцария, Япония, Ҳиндистон)да ўтказилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ШҲТ маконининг конституциявий ривожланиши маълум бир умумийлик, минтақа мамлакатлари Конституцияларининг динамик ривожланиши билан ажралиб туради. “Катта ШҲТ оиласи”да бу даврда конституциявий тузум асосларини тубдан янгилаш, суверенитетни мустаҳкамлаш, давлатларнинг конституциявий ва миллий ўзига хослигини мустаҳкамлаш бўйича сўнгги 30 йил ичида иккитадан ўнтагача конституциявий ислоҳотлар амалга оширилган.

Бундан ташқари, ҳар бир давлат ШҲТ маконида конституциявий ва ҳуқуқий плюрализмни олдиндан белгилаб берадиган конституциявий ўзига хослик ва бетакрорликка эга бўлса-да, ШҲТ давлатлари намунавий демократияга хос бўлган конституциявий тузумнинг умумий асослари — халқ ҳокимияти, республика бошқарув шакли, давлатнинг ижтимоий ва дунёвий табиати, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари устуворлиги, ҳокимиятлар бўлиниши, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва тенглиги, ҳудудий яхлитлик каби хусусиятларга эга.

Бундан ташқари, ШҲТ мамлакатларининг конституциявий ривожланиши бир қатор умумий тенденцияларни очиб берди. Жумладан, ислоҳотларни шахсга йўналтириш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, инсон ва табиатнинг уйғунлигини таъминлаш, мол-мулк ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш, ижтимоий давлат тамойиллари ва нормаларини белгилаш, оила, оналик ва оталик институтини қўллаб-қувватлаш, таълим ва фундаментал илмий кашфиётларни молиялаштириш, шунингдек, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш шулар жумласидандир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Конституцияларидаги ушбу қоидалар ШҲТ мамлакатларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш ва тизимли амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий соҳалардаги фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

ШҲТ фаолияти камбағалликка қарши курашиш, ёшлар ва гендер сиёсати, соғлиқни сақлаш, экология, электрон тижорат ва иқтисодиётни рақамлаштириш, транспорт, савдо ва тадбиркорлик соҳаларидаги ҳамкорлик масалаларига ҳам қаратилган. ШҲТни 2025 йилгача ривожлантириш стратегиясида белгиланган мақсад ҳамда вазифалар кўп жиҳатдан БРМга ҳамоҳанг, десак, айни ҳақиқатдир.

«Халқ сўзи».

КОНСТИТУЦИЯ ҲАР БИР ИНСОН МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1 — Шаҳарларнинг бош режалари жамоатчилик муҳокамасидан мажбурий ўтказилиши шартлиги ҳақидаги конституциявий қоида ҳозирги шароитда тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган шаҳарсозликка оид масалаларни халқимиз билан бамаслаҳат ечиш имконини беради, — деди Спикер ўринбосари. — Шу нуқтаи назардан, янгиланган Конституция жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишини комплекс тартибга солиш ҳамда мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади, десак, муболаға эмас.

Тадбирда, шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциянинг 49-моддасида Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофазалаш ва тиклаш, уни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича давлат томонидан чоралар кўрилиши мустаҳкамланаётгани қайд этилди.

Сўз олганлар Конституциямизда ушбу норманинг белгиланиши минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шароитлари яратилишини ва турмуш даражасининг сезиларли яхшиланишини таъминлашини билдирдилар.

Тадбирда иштирокчилар томонидан берилган саволларга масъуллар томонидан батафсил жавоб берилди.

Халқимизнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади

Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳокимлигида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Одилжон Тожиев, маҳаллий Кенгаш депутатлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ёшлар етакчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Спикер ўринбосари янгиланаётган Конституция мазмун-моҳияти ҳақида тўхталар экан, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг яшаш шароитини тубдан яхшилаш, ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал қилиш, айниқса, инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани ва уларни одамлар ўз ҳаётида сезаётганини қайд этди.

Янгиланаётган Конституцияда ҳам жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инобатга олингани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар бир неча каррага ортаётгани, хусусан, илгари амал қилиб келган “давлат — жамият — инсон” тамойили “инсон — жамият — давлат” деб ўзгартирилаётгани, яъни энг аввало, инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилаётгани айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, Конституциямизнинг биринчи моддасидаёқ Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилинмоқда. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортмоқда. Масалан, ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Шунингдек, Бош қомусимизда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум қилинган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда (бозор қийматида) қопланиши таъминланиши кафолатланмоқда.

Шу билан бирга, ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда. Мазкур норманинг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақлари миқдори шунчаки эмас, айнан уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда, пировард натижада аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ва мамлакатимизда ижтимоий адолатни устувор қадриятга айлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли ўтган қисқа давр-да жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгаргани, айниқса, эркинлик ва очиқлик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланганлигини қайд этдилар.

Бош қомусимизда ҳар ким ишсизликда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланаётгани, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилаётгани мамнуният билан тилга олинди.

Янгиланаётган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва ишончли кафолати бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари Асосий Қонунимизда ҳар бир шахс ўз ҳимояси ва манфаатини кўраётганлигини айтиб, унинг мамлакатимиз изчил ривожланишида тарихий аҳамият касб этишини билдирдилар.

Қуйи палата депутатлари тадбир давомида кўтарилган барча саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олади

Депутат Ваҳобжон Муродқобиловнинг Самарқанд вилоятидаги аҳоли билан учрашувлари ҳам самарали ўтмоқда. Депутат мулоқотларда аҳолига янгиланаётган Конституциямиз мазмун-моҳияти ҳақида тушунча бермоқда.

Нарпай туманидаги “Соҳибкор” МФЙда жойлашган 63-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган учрашувда Бош қомусимиздан ўрин олган нормалар ҳақида маълумот берилди.

— Таълим олиш инсоннинг фундаментал ҳуқуқларидан бири, — деди депутат. — Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Илм оламан, билимли бўламан, деган ҳар бир инсонга кенг имконият яратиб берилмоқда. Масалан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 51-моддасида фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли экани белгилаб қўйилгани айни муддао бўлди.

Учрашувда айтиб ўтилганидек, Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ғамхўрлик кўрсатиш мажбурияти ҳам кучайтирилмоқда. Бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 мингдан ортиқ ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Тадбирда сўз олганлар киритилаётган ўзгартишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдираркан, айниқса, Асосий Қонунимизда ногиронлиги бор болаларга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитни яратиш кўзда тутилаётганлигини мамнуният билан тилга олишди. Янгиланаётган Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар туфайли иқтидорли ёшлар ўзлари хоҳлаган таълим турини танлаши, ўзлари қизиқан соҳада ишлаши мумкинлиги таъкидланди.

Якунда янгиланаётган Конституция бўйича иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

Ҳеч ким қонунда белгиланганидан ташқари мажбуриятни бажаришга мажбур эмас

Янгиланаётган Конституцияда барча соҳани ривожлантириш қатъий белгиланди. Миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, қулай инвестиция муҳити яратишга алоҳида урғу берилди. Бош қомусимизда аҳолининг барча қатлами манфаатлари акс эттирилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилшод Ҳамзаев иштирокида Ғузор туманидаги “Обод” МФЙда жойлашган 1-сонли касб-ҳунар мактабида бўлиб ўтган тадбирда шу ҳақда маълум қилинди.

Қайд этилганидек, янгиланаётган Конституцияга киритилиши таклиф қилинаётган нормаларнинг ярмидан кўпи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатларини кучайтириш ва механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган. Хусусан, Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлиши ўрин олган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституцияда барчанинг — бир томондан давлат ва унинг органлари тизими, иккинчи томондан инсон, фуқаро ва жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ва лўнда ифода этилган.

— Қонунда белгиланганидан ташқари бошқа бирор-бир мажбуриятни бажаришга ҳеч ким мажбур эмас, — деди депутат Д. Ҳамзаев. — Конституцияга киритилаётган ушбу норма мазкур ҳаётий ҳақиқатларни рўёбга чиқариш орқали оддий одамлар турмушини янада енгиллаштиради, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Депутатнинг Ғузор тумани “Гулшан” МФЙда жойлашган 18-умумтаълим мактаби ҳамда “Авғонбоғ” МФЙда бўлиб ўтган учрашувлари ҳам қизғин кечди.

Ишбилармонлик муҳити янада яхшиланади

Янгиланаётган Конституциямизда тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилмоқда. Бош қомусимизга тадбиркорлик фаолияти учун том маънода асос солувчи норманинг киритилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу ҳақда ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида талаба ёшлар, тадбиркорлар, хотин-қизлар иштирокида “Янгиланаётган Конституция — менинг тақдиримда” мавзуида бўлиб ўтган тадбирда алоҳида таъкидланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Эркин Зоҳидов ва Нодир Жумаев иштирок этиб, янгиланаётган Конституция мазмун-моҳияти, ундан ўрин олган нормалар ҳақида тушунчалар берди.

Қуйи палата депутати Н. Жумаев Асосий Қонунимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида маълумот берар экан, янгиланаётган Конституциянинг энг муҳим хусусиятларидан бири — унинг мазмун-моҳиятига кўра чинакам халқ Конституцияси бўлаётганини айтди.

— Бош қомусимизда миллий иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилаш ҳамда мулк ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган нормалар киритилмоқда, — деди депутат Н. Жумаев. — Жумладан, нафақат банк омонатлари, балки банк операциялари ва ҳисобварақларнинг ҳам сир тутилиши кафолатланмоқда. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги ўрнатилиб, давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши мустаҳкамланмоқда. Мазкур норма инвесторларнинг ишончини ошириш, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда сўз олган Қонунчилик палатаси депутати Э. Зоҳидов таълим — давлат ва жамият равнақ топиши, барқарорликка эришишида жуда муҳим омил ҳисобланиши, сўнгги йилларда мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, мактаб таълимини қўллаб-қувватлаш, олий таълим муассасалари фаолиятини эркинлаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганлигини қайд этди.

Янгиланаётган Конституцияга ўқитувчилар билан боғлиқ модда киритилаётгани бу, жамиятда ушбу касб эгаларига нисбатан йиллар давомида шаклланган муносабатни ижобий томонга ўзгартириш йўлида ташланган дадил қадамлиги таъкидланди.

Очиқ ва самимий мулоқот чоғида ёшлар Конституция лойиҳасини тайёрлашда халқимизнинг фикри, таклифлари ўрганилгани, Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишлар, аввалambор, инсон ва унинг ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилганини ижобий баҳолашди. Ўз навбатида, ўзларини қизиқтирган саволларга депутатлардан атрофлича жавоблар олишди.

«Халқ сўзи».

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2023 йил 7 апрель

Сирдарё вилояти:

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЧОРРАҲАСИДАГИ МУАЗЗАМ МАНЗИЛ

1

Томорқадан йирик тадбиркорликкача...

Исроил НЕЪМАТОВ,
Мирзаобод туманидаги «Деҳқонобод асл анори» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Рости, дастлаб уйимиз томорқасидан бошланган анорчилик билан боғлиқ ишим тез орада бунчалар кенг кўламдаги бизнесга айланади, деб ўйламаган эдим. Гап шундаки, вояга етганимдан буён анор етиштириш билан шуғулланаман, боғдорчиликнинг шу соҳасига қизиқаман. Ана шу фаолиятим ва ўрганишларим натижасида "Анорчилик сирлари" деган китоб ҳам чиқарганман.

Бундан қарийб беш йил аввал, яъни 2018 йилда томорқадан ташқари 2 гектарда анорзор барпо қилдик. Кейин бу майдон 4, сўнгра 7 гектарга етди. Ҳозир эса 109 гектар еримиз бор. Шундан 59 гектарига анор кўчатлари ўтқазганмиз. Қолганига кўклам экамиз. Бу кенг-мўл боғдан олинадиган ҳосилни юз фоиз қайта ишлаймиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, анор — мевасидан баргигача фойдали, даромад келтирувчи ўсимлик. Биз буни Европа Иттифоқининг "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш" дастури доирасидаги лойиҳа натижасида амалда кўрдик. Тўрт йил давом этган ушбу ҳамкорликни яқинда яна шунча вақтга узайтириш бўйича меморандум имзоладик.

Анор етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича бу йил озарбайжонлик тадбиркорлар билан яна бир катта лойиҳани бошладик. У 20 миллион долларлик бўлиб, нафақат анор мевасидан, балки барги, данаги, пўстлоғидан ҳам даромадли, харидоргир маҳсулот олишни таъминлайди. Яъни юқорида келтирилган дастур бўйича анордан шарбат олинган бўлса, тез орада данагидан мой, барги ва пўстлоғидан қора ҳамда кўк чой тайёрлашни ҳам бошлаймиз.

Қолаверса, анорзорларнинг умумий майдонини 600 гектарга етказиш режалаштирилган. Янги боғларга Озарбайжондан келтирилган, ҳар тупи ўртача 100 килограмм ҳосил берадиган анор кўчатлари ўтқазилади. Натижада йилига 1,5 миллион литр анор шарбати ишлаб чиқаришга эришилади. Эътиборлиси, маҳсулотимиз 100 фоиз Европага экспорт қилинади.

Ҳақиқатан ҳам, бундан 5-6 йил аввал, асосан, ички бозорларда сотилган аноримиз бугун дунёга чиқмоқда. Бунда, албатта, давлатимиз томонидан ушбу тармоқни ривожлантиришга бўлган катта эътибор муҳим омил бўлаётир. Бунга биргина шу йил Шерободда илк бор ўтказилган республика "Анор" фестивали ҳамда олий таълимда анорчилик йўналиши ҳам чуқур ўқитилаётгани ва бу борада илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганини мисол келтириш мумкин. Айни чоғда ўзим ҳам анорчилик бўйича дарслик-қўлланма тайёрлаяпман. Ўйлайманки, узоқ йиллик кузатиш ва ўрганишларим маҳсули бўлган ушбу китоб юртимизда анорчиликни янада ривожлантиришга озмикўпми, ҳисса бўлиб қўшилади.

Дастурхонимизга файз бағишлаган ташаббус

Ўтбосар АБДИЕВ,
«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси:

— Ҳаммамизга маълумки, воҳа аҳолиси мамлакатимизнинг барча ҳудудидан чўлни ўзлаштиришга келиб, шу заминни абадий макон қилган юртдошларимиз ва уларнинг авлодларидан иборат. Уларнинг бари бугун Сирдарёни обод қилиш, юртимиз равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш ҳаракатида.

Шу ўринда эътироф этиш керак, бугунги Сирдарё кечаги Сирдарё эмас. Айниқса, унинг кейинги йиллардаги ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ривожи, обод ва кўркамлик борасидаги улкан ўзгаришлари таҳсинга лойиқ. Бугун Сирдарё аҳли бир вақтлардагидек фақат пахта далаларида эмас, кўплаб замонавий корхоналарда меҳнат қилиш имкониятига эга. Айни пайтда ерни эъзозлаш, ундан унумли фойдаланиш, эл дастурхонини водий боғларинiки каби сархил мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан обод қилишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Асосийси, Президентимиз ташаббуси билан аҳолига ажратиб берилган экин майдонларида бир йилда уч мартагача ҳосил олаётган деҳқонларимиз тобора кўпаймоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда аҳолига ажратилган ерлар туфайли кейинги икки йилда мева-сабзавот майдони кескин даражада кенгайди. Биргина жорий йилда ана шу экин майдонларидан 162 минг тонна ҳосил олиниши кутилмоқда. Эътиборлиси, кўтариладиган хирмоннинг ҳаммаси озиқ-овқат йўналишидаги экинлар ҳосилидан иборат бўлади. Бу эса бозорлар янада тўкин бўлишини таъминлайди.

Шу кунларда далаларда яна бир фойдали иш бажарилаётир. Гап шундаки, неча йиллардан буён экин майдонларининг боши ва охири ҳамда четларида анчамунча ерлар бўш ётар эди. Ҳисобланса, бу майдонлар оз эмас, жами 4,5 минг гектарни ташкил этар экан. Эндиликда вилоятдаги барча фермер хўжаликлари далалари четидаги фойдаланилмай ётган ерлар ишчиларга берилиб, узум, ошковоқ, қовун, тарвуз ва сабзавот етиштириш орқали қўшимча 108 миллиард сўм даромад олиш имконияти яратилмоқда. Шунингдек, дала четларида парранда ва асалари боқиш йўлга қўйилмоқда.

Ёшлар ташаббуслари қанот ёзмоқда

Ойбек АНВАРОВ,
IT-парк Сирдарё вилояти филиали бошлиғи, «Келажак бунёдкори» медали соҳиби:

— Ёшларнинг имкониятлари ҳақида гап кетганда, албатта, уларнинг ахборот технологияларини эгаллашлари учун яратилган кенг миқёсли шароитлар алоҳида эътирофга лойиқ. Жумладан, ахборот технологиялари парки (IT-парк) ҳудудлар бўйича илк бор Сирдарё вилоятида очилган эди. Айни пайтда вилоятнинг барча туман-шаҳарларида ана шундай ўқув масканлари мавжуд.

Дастлаб, яъни 2020 йилда Гулистон шаҳридаги марказда 74 нафар ёш ўқиш истагини билдириб, унда ахборот технологияларини ўрганган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич деярли ўн бараварга ўсди. Буни ҳозиргача вилоятдаги IT-парк марказлари битирувчилари жами 5 732 нафарга етганлигидан ҳам билса бўлади. Стартап лойиҳалар сони эса 200 дан ортиқ. Шунингдек, IT резидентлари сони 2020 йилдаги 2 тадан ҳозир 14 тага етди. Яъни тадбиркорларнинг IT-парклар билан ҳамкорлиги ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, ушбу орқали IT-парклар битирувчиларидан 1 030 нафари иш билан таъминланди.

Сирдарё туманилик дастурчи Жўрабек Тошбеков 25 ёшда. У айни мутахассислик сирларини IT-паркнинг Гулистондаги марказида ўрганган. Жўрабек ҳозир Японияннинг "Тойота" компанияси электрон платформасига IT хизматлари кўрсатяпти.

Жўрабек Тошбеков Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган "Бир миллион дастурчи" лойиҳасида ўқиган. Гулистон шаҳрилик яна бир ёш дастурчи эса АҚШдаги компаниялардан бирига масофавий IT хизматлар кўрсатяпти. Умуман олганда, кейинги йилларда Сирдарё вилояти экспорт мундарижасида "масофавий IT хизматлари экспорти" деган банднинг пайдо бўлишида айни IT-парклар ҳамда битирувчиларининг катта ҳиссаси бор. Масалан, улар томонидан бу йил амалга оширилган экспорт ҳажми 112 минг долларни ташкил этмоқда ва бу бошқа ҳудудлардаги IT-парклар ўртасидаги энг юқори натижа ҳисобланади.

Мақсадимиз — келгуси йилда дастурий маҳсулотлар экспортини 200 минг долларга етказишга қаратилган. Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда босқичма-босқич ахборот технологиялари хизматлари марказларини ташкил қилиш режалаштирилган. Битирувчиларни эса 10 минг нафардан оширишни мўлжаллаганмиз.

Демак, ҳадемай 10 минг ёш энг зарур ва замонавий соҳанинг мутахассиси бўлади. Бу шунча йигит-қиз ҳаётдан ўз ўрнини топибгина қолмай, юртимизда ахборот технологияларининг янада жадал ривожланишига ҳисса қўшади, дегани ҳамдир.

Қувонарлиси, ушбу соҳа шу даражада ривожланмоқда ва имкониятлари кенгаймоқдаки, кечагина шунчаки компьютер ўйинлари ўйнаб, вақтини беҳуда ўтказаётган ёшлар энди шу соҳадан ҳам пул топиб, даромад қиладиган бўлишяпти. Масалан, киберспорт орқали. Чунки ушбу йўналиш юртимиздаги спорт турлари сирасига киритилди. Ва бу билан ёш авлодга интернет, компьютер ва ахборот технологияларига бўлган қизиқишларини эрмак машғулотларга эмас, фойдали томонга буриш имконияти яратилди.

«Сирдарё тажрибаси» ўзини оқламоқда

Исфандиёр АБДУҚОДИРОВ,
Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси:



— Маълумки, вилоятимизда Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, унда белгиланган вазифалар ижроси доирасида ўтган йилнинг 1 июлидан соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмлари билан боғлиқ тажриба-синов лойиҳа ишлари бошланган эди.

Айни пайтда ушбу янги тизим ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида давлат тиббий суғуртаси ёрдами билан имтиёзли тоифага кирувчи фуқароларда юрак коронар қон томирлари билан боғлиқ юқори технологик жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли бажарилди. Ушбу амалиётлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё вилояти минтақавий филиалида сирдарёлик эндоваскуляр хирурглар томонидан амалга оширилди.

Айтиш ўринлики, аввал пойтахт ёки хорижда бажарилган, кўп харажат талаб этадиган, юрак-қон томир, кўз ва инсоннинг бошқа аъзолари билан боғлиқ юқори технологик жарроҳлик амалиётлари Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги қатор даволаш муассасаларининг ўзида йўлга қўйилди.

Натижада кўп вақт ва маблағ сарфлаб узоққа боришга ҳожат қолмади. Қолаверса, давлат тиббий суғуртаси тизими жорий этилиши натижасида ижтимоий аҳволи оғир, имконияти йўқ фуқаролар жамғарма ёрдами билан оғир асоратли, каттагина маблағни талаб этувчи касалликлардан юқори технологик жарроҳлик амалиётларидан сўнг тез ва осон, харажатсиз фориғ бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё филиалида жамғарма ёрдами билан 400 га яқин фуқароларда ана шундай жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, Гулистон тиббиёт кластерининг невротравматология бўлимида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази малакали мутахассислари билан "Устоз — шогирд" анъаналари асосида чаноқ сон суягининг емирилиши билан боғлиқ эндопротезлаш амалиётлари бажарилмоқда. Уддаланган ишлар, кўрсатилган хизматлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси мутахассислари томонидан мониторинг қилиниб, харажатлар жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилмоқда.

Шунингдек, мазкур лойиҳа доирасида аҳолининг соғлиғи билан боғлиқ кўрсаткичларни мониторинг қилиш, уларни тиббиёт муассасасига бириктириш, касаллик тарихини юритиш, рецепт ёзиш ва тиббиёт муассасаларига йўналтириш борасида ҳам муҳим қадам ташланиб, бу борадаги ишларни электрон ахборот дастури орқали амалга ошириш таъминланди. Қолаверса, давлат тиббий суғуртаси механизмлари доирасида сурункали касалликларга чалинган беморларга кўпроқ эътибор берила бошлангани ҳам ибратли жиҳат.

Яна бир муҳим томони, давлат тиббий суғуртаси тизими асосида беморларга дориларнинг бир қисми бепул берилмоқда. Яъни аҳолини дори-дармон билан таъминлаш, алоҳида сурункали касалликларни даволаш учун шифокор томонидан буюрилган дорилар харажатларини мақсадли компенсация қилиш ҳам кўзда тутилган. Даволаш стандартларига кўра, дори қабул қилиш ҳар қандай касалликни даволашнинг ажралмас қисмидир. Бироқ сурункали касалликларни амбулатор шароитда узлуксиз муолажа қилиш тизими мукаммал эмас. Шу боис аҳолининг зарур дори-дармондан фойдаланиш имкониятини ошириш учун реимбурсацияни амалиётга жорий этиш зарурати юзага келди. Бу жараёнда, асосан, уч йўналишдаги — гипертония, юрак ишемик, қандли диабетнинг иккинчи тури, бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги қамраб олинган.

Қисқача айтганда, давлат тиббий суғуртаси механизми Сирдарё вилоятидаги дастлабки тажриба-синов жараёнидаёқ юқори даволаш-профилактика сифати ҳамда самарадорлиги ва албатта, аҳоли учун ҳар томонлама қулай эканлигини амалда кўрсатмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАРБИЙ САНЪАТИ

1

Бу улуғ зот қурдирган меъморчилик обидалари бугунги кунда ҳам дунё аҳлининг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Моҳир сиёсатчи, шижоатли саркарда, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданият ҳомийси бўлган Амир Темур ўзига хос, адолатли қонунларга асосланган давлат қурди. Унинг *"Куч — адолатдадир, қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади"* деган тамойили тарих саҳифаларидан зарҳал ҳарфларда жой олди. Амир Темурнинг яна бир тарихий хизмати шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона геосиёсий маконда эканликларини ҳис этди. Дипломатик ва савдо-сотиқ алоқалари учун янги йўллар ва имкониятлар очилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва хорижда ўзбек давлатчилигининг энг муҳим босқичларидан бири — Амир Темур даври тарихини ўрганиш борасида салмоқли ишлар қилинган. Ушбу йўналишдаги изланишларни янада чуқурлаштириш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг юрт тарихини ҳаққоний, адолатли, илмий-таҳлилий ўрганиш борасидаги сиёсатининг стратегик вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилган. Хусусан, халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг, аввало, Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватан озодлиги ва фаровонлиги йўлида ўзини қурбон қилган замондош ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида Ўзбекистон халқига содиқ, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга ёшларни тарбиялаш долзарб вазифа этиб белгиланган. Амир Темур тарихи ва "Темур тузуклари"ни ўрганиш ёшларимизда тарихий хотирани шакллантириш, юртимиз тарихини билиш ва унга ҳурматни сақлаш, уларда Ватанга муҳаббат ҳиссини кучайтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Амир Темур моҳир ҳарбий саркарда сифатида ном қозонди. У ўз ҳаётини Мовароуннаҳр халқининг фаровонлиги, юрт ободончилиги учун бағишлади, унинг даврида ҳашаматли иншоотлар, гўзал боғлар бунёд қилинди, мактаб ва мадрасалар, масжидлар қурилди, мамлакатимиз Шарқнинг гўзал ҳудудига айланди.

Соҳибқирон тузган қудратли қўшин жаҳоннинг ўша даврдаги энг илғор армияси сифатида тан олингани, кейинчалик ҳам буюк саркардалар, ҳарбий мутахассислар томонидан эътироф этилгани, бир неча асрлар мобайнида ибрат ва андоза вазифасини ўтагани ҳамда ҳарбий санъат тарихи сифатида кенг кўламда ўрганилиши бежиз эмас. Тарих илми Амир Темурни ҳақли равишда жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида улуғлайди. Буюк бобомизнинг ҳарбий истеъдоди, асосан, икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда сифатида ёрқин намоён бўлган.

Улуғ аждодимизнинг ҳарбий истеъдоди ва маҳорати ҳақида кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар, илмий ҳамда бадиий асарлар мавжудлигига қарамасдан, бу борадаги изланишларни узлуксиз давом эттириш Соҳибқироннинг ҳарбий иш соҳасидаги тактик ва стратегик бошқарувга доир бўлган янгидан-янги қирраларини кашф этишга хизмат қилади.

Амир Темур қўшин тузиш ва уларнинг ҳар томонлама таъминоти тизимини яратиш, қурол-аслаҳаларни саҳро ва тоғли ҳудудларда қўлланилишига қараб алоҳида тартиблаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишга эътибор қаратган. Шу билан бирга, фаол мудофаани таъминлашда қўшин турларини (пиёда, суворий, муҳандислик ва бошқа) ҳамкорликда қўллаш, бир вақтнинг ўзида бир қўшин тури ҳам мудофаа, ҳам ҳужумни олиб бориши, жангчиларни саралаш ҳамда бутлаш тамойилларини, уларни рағбатлантириш тартиби, қўмондонларнинг ҳамкорликда жанговар фаолият юритиши каби ҳарбий бошқарувнинг муҳим компонентларини амалиётда қўллаганлиги билан жаҳон ҳарбий санъати ривожига улкан ҳисса қўшган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ватаннинг бир неча минг йиллик ижтимоий-сиёсий тарихини объектив ва чуқур ўрганиш учун кенг имкониятлар туғилди. Айниқса, марказлашган Амир Темур салтанати, унинг ўзбек давлатчилиги ва маданий тараққиётидаги ўрни масалалари тарихчи, шарқшунос олимларимиз томонидан чуқур ўрганилиб, кўплаб манбалар ўзбек тилига таржима қилинди ҳамда нашр этилди.

"Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати" китобида баён қилинган улуғ аждодимизнинг саркардалик маҳоратини илмий ўрганиш асосида эришилган натижалардан ҳарбий таълим амалиётида турли тоифадаги командирларни тайёрлашда, жангчи шахсига қўйиладиган талаблар, командирлик қобилиятини, тезкор қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришда тарихий-таълимий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Зеро, Амир Темур ҳарбий санъатининг методологик тамойиллари, саркардалик маҳорати ҳарбий санъат тарихида камдан-кам учрайдиган феномен ҳисобланади, унинг қўллаган стратегиялари жаҳон ҳарбий санъати тарихида алоҳида ўрин тутади.

Китобда Амир Темур таваллуд топган даврдаги ижтимоий-сиёсий шарт-шароит, Темурбекнинг туғилиши, болалик кезларидаги муҳит, унинг жанговар йўли — ҳарбий ва саркардалик маҳорати шаклланиши билан боғлиқ даврий тадқиқотлар мобайнида йиғилган материаллар тадқиқ этилади. Асарнинг ўзига хослиги шундаки, унда Амир Темур мураккаб тарихий шахс бўлгани содда ва равон услубда очиб берилади. Соҳибқирон сиймосига дунёнинг турли тадқиқот марказларидаги ҳар хил ёндашувларни ўрганиб, сиёсий-мафкуравий таъсирлардан холи, муболағавий улуғлашлардан йироқ ҳолда илмий-амалий ёндашилади.

Амир Темур ўз давлатининг хавфсизлигини таъминлаш ва минтақадаги сиёсий мавқеини кенгайтириш йўлида амалга оширган ҳарбий юришлари натижасида 1381 йилда Хуросон ва унинг пойтахти бўлган Ҳирот шаҳри, 1381 — 1384 йилларда Эроннинг катта қисми, Сеистон, Озарбайжоннинг катта қисмини ишғол этади. 1386 — 1388 йилларда Озарбайжоннинг жанубий қисми, Ироқнинг шимолий қисми, Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерлар забт этилади. Бу тарихда "Уч йиллик уруш" номини олган. 1392 — 1396 йилларда Гарбий Эрон, Ироқ ва Кавказ ҳудудлари фатҳ қилинади. Бу "Беш йиллик уруш" деб аталган. 1399 — 1405 йилларда Шом (Сурия), Ироқ ва Туркиянинг катта қисми забт этилган. Тарихда "Анқара жанги" деб номини олган жангда Амир Темур жаҳоннинг буюк саркардаларидан бири — Султон Боязид Йилдирим устидан ғалабани қўлга киритади. Бу муҳорабалар Амир Темурнинг "Етти йиллик уруш"и сифатида тарихга киради.

Китобда Амир Темурнинг ана шундай 35 йиллик ҳарбий юришлари натижасида буюк давлат ташкил этилгани, унинг таркибига Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Каспий денгизи атрофидаги вилоятлар, Эрон, Туркия, шимолий Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор ҳудудлари киритилганлигига алоҳида урғу берилган.

Мовароуннаҳрда кучли, марказлашган ҳокимият ўрнатиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлашда Соҳибқироннинг саркардалик маҳорати, стратегик тафаккури, ҳарбий тактикалари, жанг олиб бориш салоҳияти тарихий манбалар, кўргазмали расмлар, хариталар, қўлёзмалар асосида батафсил ёритилган.

Китобда уч, беш, етти йиллик юришлар хронологияси йил, ой ва кун кетма-кетлигида, аниқ рақамларда акс эттирилган. Амир Темур саркардалари сафининг иерархик кўриниши мансаб, лавозим, рутба ва унвонлар ҳақида маълумотлар келтирилган, ҳарбий атамаларга батафсил изоҳлар берилган.

Шу маънода, жуда бой маълумотларни ўзида мужассам этган ушбу китоб бутун халқимиз, айниқса, тарих илмига қизиқувчилар, улуғ бобомиз салтанати тарихини ўрганишни истаган ёшлар учун айни муддаодир. Мазкур асарни "Темур тузуклари" билан солиштирма тарзда ўрганиш муҳим реалликка молик маълумотларга эга бўлиш имкониятини беради.

Бинобарин, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, **ҳар бир аскар, Ватаннинг ҳар бир посбони Амир Темур ва улуғ лашкарбошиларимиз ўгитларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз ғурур бахш этади, муқаддас тупроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради.**

Ў. АБИЛОВ,
Тошкент тиббиёт академиясининг Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси таниқли журналист, телерадиокомпаниянинг "Axborot-tahlil multimedia markazi" давлат муассасаси директори

Соҳибжон АЛИЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6